

ОИЛА ВА ЖАМИАТ



35 сон

1997 йил 27 август-
2 сентябр

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси



Гурур билан Мустақиллик майдони сари йул оламан. Барчанинг юзида қувонч ифодаси. Эрк байрами, эзгулик байрами. Тошкент кучалари бу қадар улкан шодиёгани ҳеч қачон қурмаган эди. Айниқса, оқшомда чироқлар билан ёришган шаҳар кучалари шодликка тулиб-тошган.

Майдонда гузал диёрни эслатувчи чироқлар пирпираб турибди. Вазирликнинг улкан деразаларида 6 рақами порлайди. Кинотеатр пештоқида эса «1991 йил 1 сентябр» ёзуви.

— Элбек, анови рақамни уқий ола-

КЎНГИЛ ФАХРГА ТЎЛАДИ

санми?

— Олти.

— Сен неччига кирдинг?

— Олтига. Мустақиллик мен билан тенгми, дада?

— Ҳа, сенинг тенгдошинг.

Ҳамма хурсанд. Кимдир оиласи билан эсдалик учун суратга тушар, кимдир шарлар шодасини кукка учирар. Кимлардир концерт томошаси билан банд.

Мустақиллик тилимизда эди, энди

дилимизга кучиб юракларимизнинг туб-тубига жойлашиб, улкан шодлик булогини очиб юборди. Бу қувонч бутун Тошкент буйлаб сочилиб, мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларига ёйилиб кетмоқда.

Сунг Амир Темур хиёбони томон йул олдик. Кунора бир марта ёнидан утадиган уша гузал кошонани, дилимга ёруғ уйлар бахш этган мовий гумбазли бинони фарзандларимга курсатмоқчи эдим.

Шарқ томондан баркашдек ой кунди.

— Ана, дада, оймомо, оймомом чиқди, — дея сакрарди уғлим.

— Ой ҳам бизнинг байрамимизга шерик булди, — деди онаси.

Илоҳим, ой тургунча тургин, Тошкентим!

Илоҳим, осмонинг тинч булсин, Ўзбекистоним!

Илоҳим, ҳар кунинг байрамдек булсин, она халқим!

Абдурахмон Жўра

ХУРРИЯТГА УЙГУН ТАНТАНА



Мамлакатимиз уз мустақиллигининг 6 йиллигини тантана қилишга қизгин тайёрланган бир дамда — куни кеча кўхна ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрида улкан мусиқа байрами — «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивал уз ишини бошлади. Дунёнинг қирқдан ошиқ давлатидан ташриф буюрган машхур хонандалар, созандаю мусиқашунослар, шунингдек, халқаро ЮНЕСКО ташкилоти вакиллари фестивалнинг тантанали очилишида қатнашдилар. «Шарқ тароналари» Халқаро фестивали Шарқ мусиқа-

ри ва анъанавий қушиқлар ривожид алоҳида аҳамиятга эга булади. Очигини айтганда, ушбу тадбир Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида кулға киритган ютқуларидан биридир. Фестивалда Шарқ халқларининг тарихан муштарак нодир мусиқа мерослари бўлмиш ўзбек мақомлари, ҳинд ва покистон рагалари, араб мубалари, хитой ва яна қирқга яқин давлат халқларининг куй-оҳанглари янграмоқда.

Фестивал иштирокчилари мусиқа байрамининг биринчи кунид Самарқандда бу анжуманга жуда катта тайёргарлик курилганига гувоҳ бўлишди. Дилбар шаҳар шу кунларда узгача чирой очган. Фестивалнинг ҳар бир сонияси мазмунли, қулай ўтиши учун барча шартшароитлар муҳайе этилган. Хусусан, Регистон майдонида қадимий шарқона услубдаги 4 мин уюллик амфитеатр курилган.

Юксак кўтаринкилик билан бошланган «Шарқ тароналари» фестивали аввало Шарқ халқлари миллий санъати дурдона-

ларига бағишланган бўлса, иккинчидан, у ЮНЕСКОнинг халқаро миқёсдаги маданий маърифий тадбирлари режасига киритилган. Фестивал ҳайъатига япониялик таниқли мусиқашунос олим, Токио университети профессори Харума Кашиб хоним раислик қилмоқда. Ҳайъат аъзолари таркибида ҳамюртларимиз билан бир қаторда АҚШ, Германия, Жанубий Корей, Миср, Малайзия, Туркия, Франция, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг машхур мусиқашунос олимлари бор.

Ишончимиз комилки, мусиқа байрами мисолида юртимиз дунёга уз тароватини яна бир бор намоён этилади. Ўзбекистон танлаган истиқлол йулининг бош моҳияти — тинчлик, биродарлик, ҳамкорлик ва халқларнинг бахт-саолати эканини тасдиқлайди. Хурриятимизнинг 6 йиллик тўйига уйғун келган фестивал ишига муваффақият тилаймиш!

Ўз мухбиримиз

ИШСЕВАРНИ — ЭЛ СЕВАР

Тошкент шаҳар, Ҳамза ноҳиясида жойлашган «Тошкент — Лада» ҳиссадорлик жамиятининг бешинчи бўлини доимо таъмирталаб машиналар билан жалғам. Агар яхши одам бўлсанг, Оллоҳ таоло шундай қиладики, сенга одамларнинг иши тушадиган бўлиб қолади, — дея муборак китобларда айтилганидек, бу ерга ҳар кун эллик-олтмиш чоғли энгил машина эгалари келишиб, курсатилган хизматдан мамнун бўлиб кетишади.

Айниқса Жамолиддин Мухторхонов, буюқчи уста Одилжон Камолов, моторист Саидхужа Қарахужаев, кувовчи Шаҳобиддин Раҳим-

бобоев сингари ун-ун беш йилдан буюн маҳорат билан ишлаётган уз касбининг усталари борки, Тошкент шаҳри ва вилояти буйлаб улардан минглаб мижозлар миннатдор.

— Бу усталарнинг афзал томони шундаки, улар мижознинг кўнглидагидай, яъни машина заводдан қандай чиққан бўлса иложи борича ушундай қилиб таъмирлаб беришади, лекин хизмат ҳақида келганда оёқ тираб олишмайди, борига барака дейишади, — дейди корхона раҳбари Уткир ака Саидкулов.

Асқар РАҲМОН

Очигини айтганда

ЕМАГАН СОМСАГА...

Утган куни газетамизнинг шу сонига қўйилган мақола-ларни муҳокама қилиб утирган эдик, телефон асабий жиринглаб қолди. Гушакни кутардим. Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги Ҳалимов жамоа ҳужалигида истиқомат қилувчи Абдумурод Тулаков кўнгирак қилаётган экан. Мана у кишининг айтганлари: «Мен учун газета-журналларни ўқиш ҳар кун овқатланишдай бир гап. Агар овқат қорини туйғазса, яъни мақола ва хабарлар, шеър, ҳикоялар кўнгилга озуқа беради, кишини ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундайди. 1997 йилнинг март ойидан узим севиб мутолаа қилаётган «Оила ва жамият», «Қалб кузи» газеталари ва «Фан ва турмуш», «Еш куч» журналларига обуна бўлгандим. Афсуски, улар уз вақтида етиб келмапти. Газеталарнинг бир нечта сонларини эса умуман ололмадим. Алоқа бўлимига борсам, у ердakilар «Тошкентдан жунатишмаяпти», қабилида гап айтишди. Бу қандай гап, пулингни қурдай санаб олишсаю, эвазига айбни бир-бирларига ағдариб билан қутулишса. Алоқачиларнинг мана шундай қилиқларидан таҳририятлар жабр кўради, улар емаган сомсага пул тулайди. Яъни, обуначисини йўқотайди.»

Дарҳақиқат, Абдумурод аканинг кўнганачи бор. Обуна бўлган напрларини уз вақтида ололмаган газетхон кейинги йил учун умуман бирорга газета-журналга обуна бўлмаслиги тайин.


Умуман, газетхонларга ушбу муаммо юзасидан қуйидаги манзилга ёзма равишда мурожаат этишни маслаҳат берардик: Тошкент — 700000, Амир Темури 1-тор кучаси, 2-уй. Республика матбуот тарқатиш маркази. Айнан мана шу муассаса обуна масалалари билан шугулланади. Алоқачилар эса бўлдан кейин Абдумурод ака сингари газетхонларни ранжитмайдилар, деб умид қилиб қоламиз.

Даврон БЕК

АЁЛНИ АКС-САДО ОҚЛАСА БЎЛМАСМИКАН?

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Газетанинг шу йил 30-сонидаги «Уйга юринг, ойи-жон!» мақоласи бизни қаттиқ ўйлантирди, қалбимизни уртаб юборди. Тўғриси, эридан еҳуд бирор қариндошидан жабр курсалса, ҳали милтиқ тепкисини босиб улгурмаган, узининг сунги сўзини айтмаган аёллар учраб туради. Нури узини ва фарзандларини уч марта қамалиб ҳам хулоса чиқармаган қайнисининг зулмидан қутқарман, деб шу ишга жазм этилди. Қайдам у уша пайтда жондан азиз болалари бошига қайнисини қиёфасидаги ажал соя ташлаганини оналик қалби билан сезиб шу ишга қўл ургандир. Эри эса суддаги гапларини аччиқ аламдан ёки қариндошларининг таъзиқи остида айтган бўлса керак. Ахир маҳалла-куй, қуни-қушнилари аёл ҳақида фақат яхши сўзлар айтишганку. Мана шу ҳолларни ва уч нафар еш боласи борлигини инобатга олиб, аёлни оқласа бўлмасмикан?

Сафарбой БОЗОРБОЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Маңит шаҳри, Нодирабегим кўчаси.



Байрамга тарадду

Саудия Арабистони бош муфтийси Абдул Азиз ибн Абдулла ибн Баз ҳайдовчиларга қарата йўлда эҳтиёкорлик чораларини саклаш зарурлигини таъкидлаб мурожаат қилди. У уш мурожаатида эҳтиётсизлик оқибатида юз берадиган ҳалокат оқибатига батафсил тўхтади. Йўл қондаларига риоя қилмай, тезликни ҳаддан ошириб ҳалокатга йўлиққан ҳайдовчилар, муфтининг ишонтиришича, тўғри дузахга тушадилар. Шунингдек, бош муфти бу боралда махсус фатво ҳам чиқарди. Унга кура автомобил ҳалокатига йўлиқиб қазо қилган ҳайдовчи уз жонига қасд қилган худкуш билан баробар ҳисобланади. Уз жонига қасд қилган киши эса дузахга тушиши аён.

Жанубий Африка Республикасининг собиқ ва ҳозир

ги президентларини ҳамюртлари ҳазиллашиб «қариб қуюлмаганлар», дейишади. Негаки, ҳозирги президент Нелсон Манделла 1958 йили биринчи хотини билан ажрашгач, гайратли Винни Мадзискелга ўйланди. Улар 27 йил айрилиқ азобини тортишади. Бу вақт мобайнида Н. Манделла қамокда утирган эди. У 1990 йили озодликка чиқадиган 1995 йили иккинчи хотини билан ҳам ажрашади. Яқинда ЖАР президенти 78 ёшида ҳалок бўлган Мозамбик президентиинг бебаси 50 ёшли Машел Грасга ўйланди.

Собиқ президент Питер Бота эса 1989 йили истеъфога чиққач, сиёсатдан тамом четлашиб, Ҳинд океани қирғоғидаги ҳоли оромгоҳда умргузаронлик қиларди. Ҳозир у 81 ёшда. Кейинги пайтлар унинг анча катта бўлмаган бир меҳмонхона бекаси Рейнет Нода хоним билан қаймоқлашиб



юргани аён будди. Бу 46 ёшли хоним икки марта турмуш кўрган. Яқинда унинг собиқ президент билан никоҳ тўйлари бўлиши кутилмоқда.

Англиялик ун бир ёшли усмир Шон Стюарт узига хос рекорд урнатди. «Деили мейл» газетасининг ёзишича, бу мактаб ўқувчиси мамлакатдаги энг еш ота бўлиш арафасида. Болакайнинг қушиси 15 ёшли Эмма Уэбстер Шондан бола қуриши аниқ булган. уларнинг ота-оналари тўғилажак чақалок Шондан эканига ҳечам шубҳаланишмайди. Эмма журналистларнинг саволига жавоб бераркан, эсон-омон

туғиб олгандан сунг, албатта, мактабда ўқишини давом эттиришини айтди.

Россиянинг Карелия улкасидаги Ладва қишлоғида қонли фожиа юз берди. 28 ёшли аёл уз отасини болта билан чавақлаб ташлади. Қотил суроқ пайти қилган қилмишига ҳеч ҳам афеусланмаслигини айтди. Гап шундаки, деб эади «Труд» газетаси, бу аёлнинг отаси яқингинада қамокдан қайтган, у уз углини чарвақлаб улдиргани учун узоқ муддатга қамок жазосига ҳукм қилинган эди. Маълум бўлишича, ушанда ешгина қизча акаси учун қасос олишга аҳд қилган экан. Даҳшатли қасам шу тарика амалга ошган.

Қирғизистонда диний хизмат ходимларини оммавий равишда аттестациядан утказиш бошланди. Бу тадбир республика

лика Дин бошқармаси ташаббуси билан утказилмоқда. Норин вилоятида диний идораларнинг 62 нафар хизматчиларидан 11 киши бундай хизматга мутлақо лаёқатсиз, деб топилган. Қолганларнинг деярли ярми қайта аттестациядан ўтиши лозим.

«Европа гузали—97» танловининг финал босқичи Киевда ўтадиган будди. Европа ташкили қумитаси шундай қарор қабул қилди. Бу қарорнинг юзгага келишида «Украина гузали» миллий танловининг юксак даражада ташкил этилгани, украиналик гузалларнинг жаҳон танловларида муваффақият билан иштирок этишаётгани ва Пер Карденнинг тавсияси ҳал этувчи омил будди.

Болагимизда Қизилчала чоллар жуда кўп эди. Оппоқ соқолларини силаб, кунгайларида утиришарди. Уйда ёки қўш-ниларниқиди маъраками, худойими бўлиб қолса, бизга рўйхат тузиб беришарди. Биз эшикма-эшик юриб, боболарни маъракага айттардик.

Кеч туша бошлагач, боболар кириб келишарди.

Бизлар эшакларни боғлардик. Кейинчалик чоллар анча сийрақлашиб қолди. Бора-бора чоллар кетиб, бир майдон қишлоқ хувиллаб қолди. Бунга ҳамма сезди, лекин ҳеч ким бир-бировига айтмади. Балки истиҳола қилишгандир, балки томоғига тикилиб турган йиғи чиқиб кетади деб қўрққандир... Хуллас, Қизилчала 10—15 йил чолларсиз ҳаёт ҳўкм сурди. Бу билан деярли ҳеч нарса узгармасда, давралар ҳийла саълашди, гурунларнинг ховури бироз сусайгандек бўлди.

...Мана орадан анча йил ўтиб қишлоқда яна чоллар пайдо бўла бошлади... Албатта, улар осмондан тушаётгани ёки бошқа ерда кўчиб келатганиям йўқ, улар шу ернинг... чоллари. Жумладан, Сидиқ Бегасев ҳам Қизилчадан. Кечагина ялангоёқ қирдан-қирга чопиб юрган болакнинг ёши бугун олтимишга қараб кетди. Тўғри, Қизилчала Сидиқ акадан ёши улуг одамлар жуда кўп. Қолаверса, у киши ҳақида ёзишга унинг чўпонлиги ҳам сабаб бўлолмайди. Негаки, Қизилчала қайси уругни олманг, деярли барчасида чўпон қони бор. Мен гоҳида бийдай бу саҳрода чорвачиликдан бошқа яна нимаям қилиш мумкин деб, уйлаб қолам.

II

...Шаҳардан ташқарига чиқмаган одам чўлнинг улугворлигини унчалик тушунмайди. «Бу ерларда қандай яшаш мумкин?» деб ўйлайди. «Бир кун ҳам бу ерларда қололмайман», деб кеккаяди у. Лекин бизлар — чўлнинг шаҳарлик болалари уни соғинамиз. Шаҳарнинг одам тула кўчаларини кезиб уни кўсаймиз. Қизилча унча катта эмас. Лекин ҳудуди узига нисбатан ҳийла кенгроқ. Кичикроқ вилоят ҳудудининг ярмича келади. Энг яқин қўшни қишлоқ билан ораси 28 чақирим. Шаҳар эса чамаси юз чақиримлар нарида жойлашган. Бу ерларда одамлар бугун бир қишлоқ бўлиб яшаётганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Аниқроғи, 30-йилларда совхоз сифатида ташкил этилган. Кейинчалик марказ бўлгани учун тоғдаги овуллардан, қўлдан кўчманчи чорвалдорлар келиб шу ерни макон тутишган. Қишлоқнинг «Қизилча» деб номланганининг ҳам тарихи бор. Илгари бу ерларда қизилча ўсимлиги кўп бўлган. Ном шундан қолган.

III

Илгари қизилчалликлар сурув-сурув қўй боққан. Кейин бирови айтган: «баримиз қўй боқаверсак, дўненнинг қўйямиз етмайди». Шундан қизилчалликлар аста-секин совхозга муаллим бўлиб, духтир бўлиб келган. Лекин «Баримиз чўпон бўлаверсак...» — дея бирови бекор айтган. Негаки, ҳаммаям чўпонликни эплайвермайди. Сидиқ акага шуни айтсам, кулади. «Тўври» деб кулади. «Бунга кўп укув керак» дейди. Кейин менга курагини ишириб қарайди. Мен бунга сезаман. У озроқ ҳаволандимми, деб истиҳола қиладди. Олов «чире-чире» енади. Олов осмонга ўрлайди. Атроф бепоён, олдис-олдисларда чироқлар миллирайди. Осмон тула юлдуз. Борлиқ шундай сукунатга чўмганки, гўё лой этигинг билан қил-қизил тилан устида юриб кетаётгандек безовта сезсан узингни. Бироздан кейин олдисдан «тиқ-тиқ-тиқ» деган овоз келади. «Қўй ўрлади» дейди Сидиқ ака. Бу «тиқ-тиқ» серкага осилган кўнгироқдан келган бўлади. Серка ешпанини узиб-узиб ейди. Шунда кўнгироқ силкиниб «тиқ-тиқ» овоз беради. Чўпонлар атайлаб кўнгироқни

беш-олти яшар серкага ёки этгироқ кўчқорга осади. Йўқса, мундайроқлари чарчаб қолади. Шу серканинг жонига тузим берсин-э, эртаю-кеч «тиқ-тиқ». Уйимни Сидиқ акага кўчирмоқчи бўламан. Лекин унинг важоҳати узгаради. «Ё бисмилло» дейди тиззаларига суяниб. «Кўрсатган кўнингга шўкур» дейди қоматини тик тутиб. Кейин яна «Ё ширим» деб ерга энгашади. Ердан пусти-нинни олиб қоқлади. Қозикча қараб юрди. Арқонни силтаб-силтаб тортади. Ёв-шан буталарига шамол уйиб ташлаган хас-хашакни искалаб-искалаб еяётган отга бу ёқмагандай бўлади. «Ме-ме жонивор, ме-ме» деб отни эркалайди Сидиқ ака. От буйинни эгиб тек қотади. Сидиқ ака пустинини отнинг устига ташлайди. Айлини тортгандек бўлади. Отга сув-лиқ босади. Лекин тинмайди. Отнинг олдида тушиб хиргойи қилади:

Инди мастон бу фалакка учади,

Қанотлари кун нурини тўсади.

Ҳар панжгага саксон ботмон тош олиб,

Ғир кетидаи яшиндай бўп боради.

Уҳ-ху зурку, дейман мен. Ҳа, деб Сидиқ ака уялганнамо бўлади. «Онда-сонда шуйтиб...» дейди у. Яна битта айтинг, овозингиз яхши экан, дейман. Кейин узимнинг бу гапимдан афеусланаман. У киши бунга парво қилмайди. Овозини баралла қўйиб, айтади:


Озод юрт одамлари

кузиди. Хе уша... ол қўйингди, жасадингга, — деб қўл силтаб кетдим. Шундан кейин анча қорасини кўрсатмай қўйди. Сара-тон оралаб келдеев чамамда. Кечирдим Сидиқ, кечирдим. Баримис бир товди кийигимис, сенинг туегингга урса, менинг шохим зириллайди. Кел, энди утган гап утди. Сенам эсингдан чиқар ишдан гаплашайлик. Мана тирамом кеп қолди... Ҳа, шундай гап ука. Тирамода қўйди хайламансанг, қўй қочмай қолади, қочмагандан кейин тувмайди. Кейин бошингга жонгоғи айтганимга ўхшаган бумоғир гаплар айланади...

IV

Сидиқ ака отадан жуда эрта қолди. Унга қўшилиб оталан яна икки қиз, бир угил қолди. Болаларни Жупор кампир катта қилди. Укасини Сидиқ ака узи ўйлади. Аслида Сидиқ ака Қизилчадан эмас, Жодир деган қишлоқда туғилди, у Қизилчадан бир тоғ нарида. Ҳозир у ерда ҳеч ким яшмайди. Юқорида айтганимиздек, колхозлаштириш дав-

Мустақиллик мевалари



Абду Ғани ЖУМА олган сурат

кўклам совхозга областдан «комиссия» келади. Сутдай оппоқ «Волга» қўтоннинг олдида келиб, тормозланади. Ичидан биринчи бўлиб директор тушади. Орт эшикни очади: қориндор, юзлари қишқил ширакайф «комиссия» тушади. У керилиб, эснайди. Кейин Сидиқ акага қарайди. Сидиқ ака қўли куксиди, жилмайиб туради. Шунда «комиссия» «Нега тиржасан, жўра, ит яшамайдиган ерда қандай яшайсан?» — дейди. Сидиқ аканинг хуриги келади. «Комиссия»ни буралаб-буралаб сўккиси келади. Яна директорни аяйди. Директор: «Жон Сидиқ-жон, ундай қилма», дегандай мултирайди. Дардини ичга ютади. Уйга келиб, хотинини сукади. Кейин хотинига раҳми келади. Олис-олисларга термулади. Хўнграб-хўнграб йиғлагиси келади. Аммо йиғласам болалар эшитида дейди, ори қузиydi... Отга миниб, қамчини босиб, уради. Жонивор шамолдай елади. Эгасини баланд-баландга олиб кетади...

VI

Сидиқ аканинг ёши олтимишга қараб кетди. Угил уйлантирди. Яна уч угил, икки қизи турибди бу ёқда... «Хўсанниминан, Тойирим култигимга кирди. Энди ишим анча жониллашди», — дейди Сидиқ ака.

... Мен ҳали Сидиқ акани олтимишга қараб кетди, делим. Ҳадемай у кишиям оппоқ соқол қўйиб, чоллар сафига қўшилиди. Давраларнинг турида утиради. Сидиқ акага шуларни айтаман. У киши хумор қиладди. Мен яна айтаманки, бир майдон қишлоқ чолларсиз қолди.

«Ҳа,— дейди Сидиқ ака,— бунга барига уруш сабаб, не-не одамларимиз кетиб, қайтиб келмади. Шуйтиб сен айтмоқчи бир майдон қишлоқ бўшаб қолгандай бўлди. Мана ўлмасак курарканмиз. Энди эркимизди қўлимизга олдик. Манов кент далаларди бари энди ўзимиздики бўлди».

VII

Бир дўстим айтди: — Чўл — бу қўшиқ. Мен айтдим: — У қандай қўшиқ? Айтди: — Қўшиқни уртагўвчи, бағирни тўлдиргўвчи қўшиқ. Мен айтдим: — Унда у ерларда юргўвчи чўпонлар ким? Айтди: — Улар ҳам қўшиқ. Энтиктирғвчи, соғинтирғвчи солда бир қўшиқ. Шаҳарнинг баланд иморатидан туриб, Ҳей, менинг қўшиқларим, солда жайлари қўшиқларим! дея хайқиргим келди шунда менинг.

Урал СОДИҚ

ЖАЙДАРИ ҚЎШИҚЛАР

Қорақумда кўрди

Ғирнинг чангини,

Ғир жонивор чўзиб

тошлар чангини.

Устига кеб мастон

давра айлади.

Юборайин ўлдиратган

тошингни...

Даланинг одамлари бағри кенг. Майда-чўйдаларга уралашавермайди. Аммо мен шу гапни яқинда бир шаҳарлик ҳофиз журамга айтиб, балога қолдим. «Нега прикол қилишсан?!» деб нақ бир ой гаплашмай юрди.

Сидиқ ака йуртиб юради. Менам қадимини тезлатаман. Бироз толиқаман. «Отни мининг, чарчаб қолманг» дейман. «Э, от ийигимди чигариб жуварди», — дейди Сидиқ ака. Мен узимдан уялиб кетаман. «Сигарет еб қўйибди мени, сигарет еб қўйибди» дейман ичимда. Уртоғимнинг фалон грамм никотин отни ўлдирди, деган гапи келади хаелимга. «От шу гавдаси билан улардан заиф бўларкан-да» ўйлайман узимча. Угрилиб отга қарайман. У судралиб келади... Сидиқ ака сурувни овулга қараб туғрилайди. Кейин мени чакиради. Ерга пустинни, тўнни ташлаймиш. Сидиқ ака енбош олади. «Ча ҳай, ча» деб қўяди сурувга қараб. Кейин бир майдон орага жимлик чўкади. У нос чекади. Шунда мен айтаман: «Кечасиям қўй ортидан юриб, нима азоб, узиям юравереди. Биров угирлаб кетмас...» «Бу ёғи тирамо, ука, тирамо,— усмоқчилайди Сидиқ ака.— Қўйди кўпам жотқизман керак. Қочмай қолади. Бир жили шундай бўлади. Тобим бўмай қўйга чиқамдм. Қаровсиз жонивор гур бўлама. Барининг ети суянгига жобишиб қоған. Устма-уст кўчқорга хайдайман. Барибир бўмади. Қўй қочмай қолди. Кейин кўкмада дириктирди сукинганини курсанг. Худди мен тувдирмай утиргандай бир ушқиради, бир ушқиради. Тобим бўмади десаман қўймади. «Сени ишингди райкумда кураман. Қозғистон нонини жеб, Грузияни чойини ичип, тирамо буйи хотинингни қўйиндан чиқмагансан, сен баччага» деб ушқиради. Хотин, бола чоганинг олдида айтди. Бир орим қузиди энди, бир орим

рида кўплаб майда қишлоқликлар қатори жодирликлар ҳам «Қизилча» ва бошқа совхозлар марказларига кучирилди... Аммо Сидиқ ака «Мен қизилчалликман» дейишни яхши куради. Ахир сиз Жодирда туғилгансизку, десам, шундайликка шундайкуя, лекин барибир қизилчалликман-да дейди.

Сидиқ аканинг «Қизилчалликман» деганида жон бор. Чўнки у шу ерда эсини таниди. Жажжи оёқчалари илк бор шу ернинг тупроғини кўрди. Совхоз марказидаги мактабда ўқиди. Шу ерда туйи бўлди... Олдин-олдин одамларнинг қўйини боқди. Кейинчалик ердამчи чўпон бўлди. Мана қарий йигирма йилдирки — бош чўпон. Одагга, газетада бировлар ҳақида ёзилган мақоласини ўқисанг, қаҳрамоннинг умуман ташвиши йўқдай. Гўе у умуман бошқа ердан тулган одамдай таассурот қолдиради. Йўқ, шошманг, бизнинг қаҳрамон ундай эмас. Қолаверса, у «Мана, урناق олинг», деб курсатадиган намуна ҳам эмас... Сидиқ ака олдий одам. Айтганимдай, унинг бошига кўп кургуликлар тушди. Қирчилама ешида ёстиқдошини бериб қўйди. Уч бола етим қолди. Анча вақт ёлғиз турди. Уйланай деса, норасидаларини ўйлади, утай она оналик қилармикан деб... Қирчиллама йигитнинг сўққабош юриши қишлоқдагиларга эриш туюлди. Қариндошлар, ошналар уртага тушди. Охири уйлантиришди. Каттакўрғонга қув булди у.

Сидиқ акага шаҳар унчалик ёкинқирамайди. Далада устан-да. «Қайси жили бир Тошкентга бордим, — усмоқчилайди у.— Нима бало одамларди қиладиган иши жўкма, ерталан — қора кечгача, кўчала журади...» «Э, улар ишга боради, келади...» гапни бўламан мен. «Сен гапнинг бердисини эшит ука, мен атайна кўпиминан деразадан қараб турдим. Бир зайл у ёқдан-бўекка журади,— қизишди Сидиқ ака.— У баччагағари ули, бекор-булсанг ке қўй бок, умрингди журип утказасанма. Яна буларди бари олинга.. Сенгаям нуқси урган»,— жаҳлланади Сидиқ ака.

V

Сидиқ аканинг «сенгаям нуқси урган» дея жаҳлланишининг боиси бор. Бир

Истиклол илҳомлари

ҚҶМСАНИ

Толиқдим дуйёнинг захматларидан,
Келгин, паривашим, бошимни сила.
Ғаюр синоатлар даҳшатларидан —
Чўгланган қалбимда тинсин зилзила.

Бул саркаш дуйёдан тин олмақ майлим,
Тун қалбим, тонг бўлиб ёришиб кетай.
Ширин аллалаган, ҳаёлдай майин —
Сочларинг мушқига қоришиб кетай!

Ёнимда ўтиргин беташвиш, беғам,
Соқин юзларингда шафақ ёсин-ай!
Умид учқунлари маъюс чақнаган —
Қорачиқларингда бир зум исинай...

Мен сендан тонаман, энди, севгимим,
Васлинга талшиниб туйган эмасман.
Ҳеч қачон ҳажрингда куйган эмасман —
Мен сени ҳеч қачон суйган эмасман!
Лабингга орзумдан яшадим фақат!

Мен сени ҳеч қачон суйган эмасман,
Ишқинг азобида ўрганмаган жон.
Ҳажр туларидан ютмаганман қон —
Нажот бер! Ўламай, деганим ёлгон!
Менга ошно эди макру муҳаббат!

Нажот бер, ўламай деганим ёлгон!
Сеп-ла туйд кўнглим сал ёришар эди,
Бир ўт вужудимга қоришар эди —
Макр ва муҳаббат олишар эди.
Жоду кўзларингдан маст эдим фақат!

Мен сени ҳеч қачон суйган эмасман,
Ҳажрингда қоврилиб куйган эмасман...
Воҳ, бунча соддасан, инонма жоним —
Ўзга ёрга кўнгил куйган эмасман!
Қалбим ўқилмасдан гижкилланган хат...



Ҳижрон бул тун етим бўлди, тул бўлди,
Зулфинг тўзғиб ёноғинга гул бўлди.
Кўнгил оду лабларингга кул бўлди —
Келгин, энди ноз қилмагин, пари қиз!

Мастонасан-кўзинг сузук, боқасан,
Умр-дарё, олма бўлиб оқасан!
Кўлим чўсам, нозланасан, ёқасан,
Келгин, энди ноз қилмагин, пари қиз!

Изинг қўсаб талшинувчи йўл бўлдим,
Ишқ даштига сахро бўлдим, чўл бўлдим!
Келгин, энди ноз қилмагин пари қиз!

Қадр кечаси, ёдинг ила ўйлайман,
Сабр тонгин сочларини силайман.
Лабларингдан битта ўпич тилайман,
Келгин, энди ноз қилмагин, пари қиз.

Абдулла МЕНҒОБИЛОВ

БЕШИК КЎТАРГАНЛАР ЮРТИ...

Шукрона

Юртимизда мустақиллигимизнинг олти йиллик туйи бошланиб кетди. Утган шу давр ичида муҳтарам Президентимиз мамлакатимиз фуқароларининг яшаш шароитини яхшилаш, уларнинг ҳаёти-сиёсатини таъминлаш, диёримизнинг жаҳон сари муваффақият билан юз тутуши борасида жуда кўплаб ишларни амалга оширди. Ҳозирда Ватанимиздаги тинчлик-осойишталик ҳар бир хонадонда уз аксини топган. Тинчлик дедик, инсоният учун энг зарури ҳам ана шу сўзда булса керак, назаримда. Муаллима Карима Жураванинг Тожикистонга борганда шахсан ўзи гувоҳи бўлиб айтиб берган воқеаларни эпиттач, бунга яна бир бор ишондим...

...Душанбедаги муаллимлар тайёрлаш олигоҳига ўқишга кириб тақдиринг тақдоси билан тожикистонлик йигитга турмушга чиқдим. Тугрисини айтганда, илгари тинчлик-осойишталик пайтларидеги ҳаётимиз ёмон эмасди. Қайнонам, эрим ва иккита болам билан тинч яшаб тургандик. Аммо меҳнат таъғим пайтида ўғлимни олиб ота-онамни куриб кетиш учун Ўзбекистонга келдим. Биз ҳеч нарсдан беҳабар, хотиржам юрганамизда у ёқда жанг-суронлар бошланиб кетди. Бу воқеалар бошлангач, Тожикистонда кунига қон тукилаётганини эпи-

тиб, у ёқда қолган боламни эслаб узимни қуярга жой топа олмадим. Охири қариндошларимизнинг қаршилигига қарамай, йўлга отландим. Ёлғиз кетмасин дейишиб ёнимга кеннойим билан кекса амманни қўшишди.

Уша вақтда бетинч Душанбега боришнинг ҳам, уёққа киришнинг ҳам узи бўлмасди. Минг жойда текшириш, савол-жавоб билан паспортимдаги ёзувларни курсатиб аранг чегаралар ўтдик. Кучаларда на транспорт бор, на бир чиқоқ... Худди қабристондагидек сукунат... Лекин сал шубҳали ҳаракат қилсангиз атрофингизга автомати билан қаердан-дир фуқаро ёки аскар кийимидаги одамлар югуриб келишади.

Еван деган жойдан утаётгандик. Йўлнинг ҳар жой-ҳар жойида мурдалар қўзилиб ётибди. Ногоҳон отишма бошланиб қолди. Узимизни йўқотиб қўйдик. Чунки, бунақа ҳолисаларни фақат кинода курганамиз. Биздан сал олдинда кетаётган ун ешлардаги қизча «Модарчон!» деганича йиқилди. Унга қараб беихтиёр югурдим. Қарасам, қорнига ўқ тегиб, ёриб юборибди. Ичак-чавоқлари ташқарига чиқиб кетган. Шурлик ҳар нафас олганида улар қорнига кириб чиқарди. Даҳшат!... Унга қандай ердан беришин билмас, айни вақтда узим ҳам қумакка муҳтож эдим. Эсим оғиб қолаётгандек, гуё. Бечора қизча хириллаб, кузлари оғриқдан олайиб қийнала-қийнала жон берарди. Менинг кузимга эса уйимда қолган болам куринарди.

Бир пайт амман бор гавдаси билан гурсиллаб йиқилди. «Дод» деганимча унинг устига узимни ташладим. Хайрият, отишмадан қўрқиб ҳушидан кетган экан.

Йўлларда тобут кутарган одамлар куш учрар, улар кутарган нарсани тобут, деб ҳам бўлмасди. Бир-бирига қоқилган тахтага мурдани ётқизиш устига эски-тускиларни ташлаб кутариб кетишарди. Юз улимга чап бера-бера аранг уйга едик. Икки соатлар утар-утмас ортимизга қайтдик. Боламдан бошқа мени бу ерда

олиб қоладиган куч йўқ эди. Қайнонамга харчанд элинмай биз билан кетишга рози бўлмади. У киши билан хайрлашиб, туғрироғи, видолашиб қайтдик. Ҳар қадамда таҳдид солувчи ўлим шаршасидан қўчиб, чегарага ҳам едик.

Яна минг бир чигирикдан утиб, сунг Ўзбекистонга кетадиган поезда утирдик. То юртимиз худудига ўтгунга қалар қўрқувдан титраб бир оғиз гаплашмабми ҳам. Йўлда кучаларда бемалол юрган одамларни курганамиздаги севинчимизни тасвирлаб беришдан ожизман...

Тош қотган кўнглим бирданига бунашиб йиғлаб юбордим. Енимдагиларнинг ҳам кузларига еш тулди. Бу ерда ҳам-маёқда осойишталик, одамларнинг-юртдошларининг юз-кузларида эса табасум. Йўл-йўлақай кенг ҳовлиларда нон епаётган аёллар қуришиб қоларди. Оллохта минг бор шукроналар айта-айта манзилга етиб келиб поездан тушидик.

Балки ишонмасиз... Уша илк қадамимни кўйган пайтимизда вокзалдаги, атрофимдаги одамларга ҳам қарамай юртимизнинг муқаддас туғрироғини кузларимга туғиедек суратлашдим. Одамларнинг ҳаёлига мен куриб келган фожасалар келмайди. Ҳар ким уз ташвиши билан уёқдан буюққа югурар, одамларига шошилишарди. Мен билан қайтаётган болам эса ҳали узига келмаган, ваҳима, қўрқув аралаш атрофга боқар, сал нарсдан қўчирди.

Эсон-омон узимиз туғилиб усган маҳалламизга ҳам етиб келдик. Бир қушини дарвозаси ланг очиб, қарнай-сурнай овози янграр, плоду хандон аёллар эса машинадан қўғирчоқдек қилиб ястилган бешикни туширишарди. Қаранг, кеча фақат тобут кутарганлар билан учрашгандик, бу кун булса бу маҳаллада бешик олиб келишарди. Унда эса угилми қизми улгайди, вояга етди. Шу юртин ардоқлайди.

Урушнинг бир кунлик даҳшатини курган мендек аёл тинчлик-тотувликнинг қандай азиз, бебаҳо эканлигини юракдан ҳис этаман. Одамлари бешик кутарган юртимда ҳар доим туй-томошалар булаверсин, бешикдаги болажонлар эса завои курмай улгайиб, юртимизнинг равнақи-равнақ қўшаверсин, илоҳим!

Басира САЙИД АЛИ



ПОЙГАДАН ЎЗГАН ЧОЛ

Ана холос!

Тақдир битигига кура чолнинг иккинчи марта ҳам уйланишига туғри келди. Биринчи хотини барвақт қариди, чолнинг авж гурунглари ярамай қолди... «Мени бундай безор қилманг-да, уйлансангиз, уйланинг», — деб розилик ҳам берди. Чол ҳали даёв, уқтам эди. Узидан ҳали қўнгли қолмаган эди. Кўнгли бир дадил, қайноғи сунмаган аёлга зор-нолон эди. Худонинг инояти билан энди элликдан оша бошлаган хушсурат, барваста ва буниси ҳам етмагандек гайрати ҳали анча балан аёлга дуч келди. Қўп овоза қилиб утирмай уйланди. Бошқа ердан бир ихчамгина ҳовли сотиб олиб чиқиб кетди. Лекин уйли-жойли бўлиб кетган утил-қизлари, биринчи хотини билан ҳам муомала-ю алоқани узмади. Отанинг тақрор уйланиши гарчанд фарзандларга хуш еқмадан булса-да, барибир тушундилар.

Чол аслида ризқи мулк одамлар тоифасидан. Агар астойдил кийна кетса, университетнинг баъзи домлаларидан, айрим зиёлиман, деб юрган еш-яланглардан ҳам куркамроқ куринарди. Умри бино бўлиб ичмаган, чекмаган. Тартибли ҳаёт кечириб, саломатлигига ҳам пўтур етказмади. Қолхозда оибор

мудири, кейин, экспедитор бўлиб ишлади. Ишини пишик-пўхта қилди. Бир лўқмани нотўғри еб қўйиб қамоққа кетадиганлар тоифасидан эмасди у, иззатидан айрилмай нафақага ҳам чиқди. Нафақага чиқиб ҳам тинч утиролмади. Бақувват бир идорага яна омбор мудири бўлиб ўрнашди.

Чол қайсидир маънода файласуф одамлар сирасидан. Умрнинг омонатлигини, пул деганлари атиги қўнлинг кири эканлигини ҳам яхши ҳис қилади. Шунинг учун ҳам пул билан битадиган ишларга қули очиб, қули очлиги шунчаликки, аёли нима деса шунки қилади, нимани қўнгли тусаса сотиб олиб беради. Шунинг учун ҳам бир сафар аёли еш ҳамсояларининг гурунгда шундай деди:

— Барингнинг эринг еш булгани, катта-катта идорада ишлагани билан ҳам менинг бир қари чолимга тенг келолмайди...

Ҳамсоя келинчақлар эса бу таънали гапга жуяли жавоб қилолмадилар. Чунки чолнинг хушсурат аёли қандайдир маънода ҳақ гапни айтётган эди. Чунки чол то ҳануз узининг зурлигини амалда, ҳар қадамда исбот қилиб юрибди.

Чол ҳар байрамда кандасиз аёлига қим-мағбаҳо совға-саломлар қилади. Томоша сайрга олиб чиқади. Кучалар такси тутиб узоқ қариндошларнинг ҳам қўнгли овлал келади. Хотин-қизлар байрамда чол аёлига қирқ саккиз минг сумлик кийимлик олиб берди. Бу энди атиги битта байрамнинг ташвиши. Ана шунда бир келинчақ эрини аламзадалик билан «чақиб» олди:

— Эркак дегани мана шундай бўлади. Узи етмишга яқинлашган булса ҳам қўнгли сизнинг қўнглингиздан еш экан. Сиз эса менга турт юз саксон сумлик совға олиб беришга ҳам ярамадингиз...

Ҳар эрта ишга чиройли буйинбоғ тақиб, туғлиларини яттиллабти қўнлигига сумка қўйиб уқтам йўл оладиган зиёли йигит аёлининг бу таъна, армонли гапларига жавоб қила олмайди... Бошини эгтанча бош-алоқсиз ва оғир уйларга боти.

Шу кучада яшайдиган бошқа эркаклар ҳам қирчиллама йигит ешлари билан етмишчи қоралаган чолга ҳали-бери тенг бўлолмадикларини баногоҳ англаб етишди.

Маҳмуд АБУЛҒАЙ

Буюк француз файласуфи Блез Паскалнинг номи билан боғлиқ афсоналар кўп. Улардан бирида шундай ривоят қилинади: Улуғ француз инқилоби рўй берган йил герцог Орлена қабрини қазиб Паскалнинг суякларини топишни ва уларни кимёгарга беришни буюрибди. Кимёгар аллома суяк қолдиқларидан ҳар қандай нарсани олтинга айлаштирадиган афсонавий тош-иксир яратишни ваъда қилган экан. Ҳа, бу бир афсона, бироқ унда чўнг бир маъنيқ бор. Маъниқ шундаки, Блез Паскалнинг файласуф сифатидаги шон-шухрати фақат ғарб «алломахари асри» — XVII асрдагина эмас, балки бугунги кунгача ўзига чанг-ғубор юқтирмай келаётир.

Уш донолик фанининг қахрамони ва жабрдийдаси дейишади. Яна уни эрта етилган даҳо деб ҳам айтишади. Блез Паскал 1623 йили, 19 июнда Клармон-Ферране шаҳрида дворян оиласида таваллуд топади. Блез Паскал 10 ёшида «Товушлар ҳақида рисола» битади. 16 ёшида «Буюк Паскал теоремаси» номи билан математика фани олтин фонидан жой олган мумтоз асарини яратади...

Блез ПАСКАЛ

«ИНСОН ФИКРЛАШ УЧУН ЯРАТИЛГАН»

Инсон фикрлаш учун яратилганига шубҳа йўқ, унинг етакчи фазили, ҳаётдаги бош вазифаси ҳам шудир. Асосий бурчи эса одоб-ахлоқ доирасида, узини яратган ва уз қазоси ҳақида мулоҳазалардан бош-ламоғи лозим.

Бироқ одамлар нималарни уйлашади? Асло юқорида таъкидлаганларимиз ҳақида-мас, балки уйин-кулгу, жаран-журунг, кўшиқ айтишу шеър туқиш ва ҳоказолар тур-рисида; яна жанг қилиш, қироллик тахтини қулга кири-тиш ҳақида хаёл суришади, бирор дақиқа қирол бўлиш шартми ва ёки инсон бўлиш лозими — булар нималигини фикрлаб кўришмайди.

Ҳар қандай арзимас нарса бизга тескин беради, чунки ҳар қандай арзимас нарса бизни ғам-андухга солиб қуяди.

Инсон табиатининг моҳияти — ҳаракатдадир. Мутлоқ ҳаракатсизлик улимни англа-тади.

Ҳис-туйғуни ҳам худди ақл-ни бузгандайин йўлдан оздир-моқ мумкин.

Одамлар билан суҳбатла-шиш жараёнида ҳис-туйғуни ва ақлни қувватлантира-миз ёки аксинча, йўлдан озди-ра-миз. Демак, айрим суҳбатлар бизга ибрат бўлса, баъзилари бузгунчидир. Бундан аёнки,

суҳбатдошларни зеҳни билан танламоқ жоиз: бироқ ҳали тула шаклланган ёхуд бузилиб ултурмаган ақл ва туйғу эгалари учун бунинг иложи йўқ. Бундайлар чиндан гирдобга тушиб қолишади ва ундан уз вақтида қутулиб чиққанлар-гина бахтлидирлар.

Одамлар биз амалга оши-рган эзгуликларга ишонишни истайсизми? Истасангиз, улар билан мақтанманг.

Фикр уни баён этаётган суз-ларга қараб узгаради. Сузлар-га фикр эмас, балки фикрга сузлар шуқух бағишлайди.

Уз-узимизни англаб етайлик. Шунда, гарчи, ҳақи-



қатта эришмасак-да, ҳарқалай, шахсий ҳаётимизни тартибга соламиз, бу эса энг зарур юмушдир.

Бизнинг ақлимиз эътиқод-га, ирода-миз хоҳишга мойил, агар улар эътиқод ва хоҳиш учун муносиб нарсаларни то-полмас экан, номуносиб нар-саларга ружу қуяди.

Аҳмад ОТАБОЙ
тайёрлади

қилдай бошлади. Бола чинқи-раб қотиб қолди. Онаси юғу-риб келди. Ит орқага чекин-ди. Ит қопмоқчи эмас, бола билан уйнамоқчи эди. Лекин ит итлигини шу бола ҳам би-либ, қурқиб кетди.

Юртимиз тинч, осойишта. Уйни бузиб кирадиган угри-лар, кучада ит етаклаб юр-маган урисни тунайдиган қа-

роқчилар, худого шуқурки йўқ. Шундай экан, «дом»ни-нг файзи-таровати, роҳату-баракотига раҳна солиб тур-ган, уларнинг бу гайриинсо-ний қилгиликларига барҳам бериш пайти келмадимикан?!

Ҳасанбой ота АШУРОВ,
Тошкент шаҳри, «Янги Миробод»
маҳалласи оқсоқоли

АСАБНИ ЭГОВЛАЙДИ

Куп қаватли уйда яшагани-ндан кейин, бутун «дом» уз хонадонинг сингари саранжом-саришта, озода, файзли, таро-ватли бўлишни истаб қолар-кансан киши. Чунки, истайсиз-ми, истамайсизми, зинапо-яси, лифти, ҳовлиси битта бул-гандан кейин, болаларингиз шу ерда уйнаб кун утказган-дан кейин, сизни йўқлаб тур-та ёру-биродарингиз, куда-ан-дангиз шу ерга келгандан кейин, шу «дом» ободлигини, тартиб-ингизомини уйламай иложинг йўқ экан.

«Дом»да инсон зоти борки, қушни булғач бир-бирининг тилини топиб кетади. Бироқ баъзи бир қушларнинг «ёмоннинг бир қилиги ортиқ» қабилида, катакдек уйларида эшшакдек итларни боқиши, бу қушларни ҳовлида уйна-


тиши, еш болалар қурқиб қо-чиши асабни эговлайди.

Ота-боболаримиз итни ҳов-лида, фақат қуриқчи сифати-да боққани, «ит уйга кирса файз кутарилади, фаришталар қочади», деган ақидага суя-нишлари бежиз эмас эканда, деган уй келади хаёлга ва улар минг бора ҳақ эканликларига иқор булади одам.

Еш-еш қизчалар катта-кат-та итларни етаклаб юради, қучоқлашади, упишади. Қандай жирканч ҳолат! Ма-даниятсизлик, ёввойилик бу. Бу уларнинг шахсий иши ҳам дейлик. Лекин бу итлар ҳовлига, болалар уйингоҳи-га келганда ҳожатхонага кел-гандай иш тутади.

Яқинда бир ярим яшар бола энди атак-чечак қилиб юрганда катта қушпақ келиб

Мустақиллик мевалари



ВИДОПАШУВ

Куни кеча Москвадаги Новодевиче қабристонида машҳур киноактёр ва цирк артисти Юрий Никулин-нинг дафн маросими утка-зилди. Ундан мухлислари-га хотира бўлиб Цветний булвардаги цирк, «Кавказ асираси», «И» операцияси» каби ажойиб филмлар қол-ди.

«ШОШГАН ҚИЗ...»

Япон аёллари орасида ишловчилар сони йил сайин ошиб борапти. Уларнинг даромади ҳам эркакларни-кидан кам эмас. Шунинг учун улар турмушга чи-қишга шошилмаяптилар. Махсус суровда қатнашган 3 минг япон аёлининг 40 фоизи «эрлик булғач, эр-кинлигиндан айрилсан», деб ҳисоблар экан. 32 фо-зи эса кейинги йилларда турмушга чиқмаган аёллар-га жамоатчилик илгариги даврларга нисбатан яхши муносабатда бўлаётганини таъкидлашган.

ФАРЗАНД — УМР БЕЗАГИ

Москва шаҳрида исти-қомат қилувчи Тамара Ба-ранованинг 15-фарзандига кузи ёриди. Энди унинг 10 угил ва 5 қизи бор. Бу оила Москванинг Солнцева мав-зесидagi 10 хонали кварти-рада истиқомат қилади. Сер-фарзанд аёлнинг эри эса шу ердаги гушт маҳсулот-лари ишлаб чиқарувчи ком-бинатда раҳбар лавозимла-ридан бирида ишлайди.

ҒАЛАМИСЛИК

Швеция пойтахти Сток-гольмни «осула шаҳар» дейи-шади. Шунинг учун у 2004 йили Олимпиада уйинла-рини утказишга асосий даъвогарлардан бири. Ле-кин кейинги икки ой ичи-да шаҳардаги спорт ин-шоотларида юз берган сак-кизта портлаш ана шу «осу-да»ликни бузиб юборди. Маҳаллий полиция маҳқа-маси буларнинг барини ша-ҳарда олимпиада уйинлари утказишга қарши булган кучларнинг ғаламислиги, деб баҳоламоқда.

Хорижий матбуот
хабарлари асосида
тайёрланди.



Кизимиз МАХФУЗАХОН!

Сени таваллуд айёминг билан табриклаймиз. Бахтимизга соғ-саломат, оилавий бахтинг билан бахтиёр бўлгин.

Куёвимиз Даминжон билан узоқ умр куриб, қуша-қариб юринглар!

Аданг, онанг

Севимли жияним МАДИНАЎОНИ!

Сени туғилган кунинг билан табриклаб, сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қоламан.

Холанг Заҳро



Хуррамим ДАДАЖОН!

Биз сизни табаррук, ёшингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда омад тилаймиз.

Фарзандларингиз Муборак, Маърифат, Заҳро, Тоиржон

Хуррамим Замира ЖУРАБЕВА!

Сизни 31 август—туғилган кунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Ёш авлodge таълим-тарбия берилдек машаққатли ва завқли ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Уқувчиларингиз ва фарзандларингиз бахтига доимо соғ булиб юришингизни Аллоҳдан сураймиз.

Хурмат билан 274-мактаб ўқувчилари



Севимли набирам Мустиқилжон ИСЛОМ ўғли!

Сени 1 сентябр — 3 ёшлик таваллуд топган кунинг ва Мустиқиллик байраминг билан қизгин табриклайман!

Бахтимизга доимо соғ-саломат булиб юришингни, Оллоҳдан умрингни узоқ, келажакинг порлоқ булишини сураб, оила аъзолари номидан

Ойинг



ДИЛФУЗАХОН!

Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга узоқ умр, бахт-саодат тилайман. Ҳар доим соғ булинг.

Сизни кўриб дўстлар доим, Ҳавас билан қарасин, Ҳар қадамда ёмон кўздан, Оллоҳ ўзи асрасин!

Саъдулла

Азизимиз Наима ОДИЛОВА!

Сизни 26-бахорингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Оилавий ҳаётингизда хотиржамлик тилаймиз. Ҳамиша соғ-саломат булинг, деб оила аъзоларингиз номидан

Холисхон, Рустамжон, Умида, Наргиза.

Хуррамим Шаднозагон

ЭҶАМБЕРДИЕВА!

Сени 29 август — таваллуд топган кунинг билан чин юракдан табриклаймиз. Доим соғ-омон юришингни тилаймиз деб,

тоғанг ва Дурдона, Гулнора

Хуррамим акалонларим

Ўткир Ҳамидовни САҶИҶУРОВА,

Назиржон Муҳамеджоновни АХМЕДОВ,

Ҳайтжон Ҳошимовни МАМАСОДИҚОВ,

Махмуджон Аҳмедовни МАМАЖОНОВ!

Сизларни Республикаимиз Мустиқиллигининг 6-йиллик туйи муносабати билан самимий қутлайман. Шунингдек, масъулиятли аммо шарафли ишларингизда омад ҳаминша Сизларга ёр бўлсин! Ҳаётдаги барча энг ширин эзгу тилақларни Сиз азизлар сари йўллашини субҳи-сабонлардан тилаб қоламан!

Камолот эҳтиром ила синглингиз ЛАТОФАТ Қўқон Шохбекати Тармоқ ИИБ Тошкент-Қўқон

Азиз дилбандимиз Шомасуд БОБОЕВ!

Қутлуг 20 ёшинг билан самимий табриклаймиз, Оллоҳ умрингни узоқ, келажакингни порлоқ қилсин. Сента сиҳат-саломатлик, ўқишларингда ривож тилаймиз.

Севимли ота-онанг ва ака-опаларинг, Янгийўл шаҳри

«Оила ва жамият» газетаси таҳририяти ўз ўқувчиларини истиқлол айёмининг олти йиллик туйи билан самимий қутлайди. Уларга соғлик, оилаларига тинчлик, рўзгорларига барака, ишларига ривож тилайди. Барча эзгу ишларида Оллоҳ мададкор бўлсин!

ТАШАККУРНОМА

Шу йил 5 август куни неварам Муқаддамхон қаттиқ бетоб булиб қолди.

Уни Чилонзордаги 10-болалар касалхонасига ётқиздик. Шифокорларнинг жонқуярлиги, ҳамшираларнинг чаққонлиги туфайли суюкли неварам омон қолди. Мен касалхонанинг неварам бошида парвона булган барча шифокору ҳамшираларига, биринчи галда, реанимация бўлими бошлиғи Фарҳоджон Содиқовга, даволовчи Наима Рашидовага, ҳамширалар Иванова ва Золотоваларга ўз миннатдорчилигини билдираман. Беморлар дардига малҳам булишдек эзгу ва савобли ишларида уларга Оллоҳ мададкор булишини тилаб қоламан.

Гулҳеҳра ТОШХҶАЕВА

33 ЁШДА Оила

Тошкентлик, олий маълумотли олма, хушбичим, уйим-жойим дейдиган, оғир-вазмин, муслима қиз, ўзига мос, тушунган, оилапарвар йигитни умр йўлдошликка излайди! «Оила — 481»

ПАКЕТЧАЛАРДА ОМАД!

ВОЙЛИШГА ИМКОНИЯТ!

"Инвайт-Приз" уйини
ИККИНЧИ БОР ЮТУҚЛАР
— 25 СЕНТЯБРДА УЙНАЛАДИ

СИЗЛАРИНГ ИВА БИР БОР СУПЕР — "ИНВАЙТ-ПРИЗ" — НЕХТА автомобилни, шунингдек жаконинг отақчи фирмалари ишлаб чиқарган аудио-видео ва бошқа техника уйини мосламалари, тоғ велосипедлари, роликли конькилар ва бошқа товарлар кутмоқда.

Уйини мағала қилиш, "Иллайт" ва "Элис" га сува қулишдек осон.



"Элис"нинг 10 та бўш пакетчасини ёки "Инвайт"нинг 10 та бўш пакетчасини қуйидаги мағалага жўраётганга Тошкент ш 700000. Бошқотанг "Инвайт-Приз Уйини" Маркази раъийлигини Олой боғори ёки конвентингизга ташлаб ўрсангиз, бас Янаш манзилингизни, фамилиянгни, исми-шарифингизни кураётини умрингиз маълумотингизни телефонлар: (3712) 77-17-46, 77-80-12. Сизга омад тилаймиз!



ОНА РИЗОСИ

Расули акрам замонларида Ал-қама деган бир саҳоба жангда қаттиқ яраланди. Уни огир аҳволда уйига олиб келишди. Уша куни Ал-қаманинг хотини Рухшона Расулulloҳнинг қошига келиб, йиғлаганча деди:

— Ё Расулulloҳ! Эримни жангдан огир аҳволда олиб келишди. Яшаб кетишига умид йўқ, лекин жони азобланапти. Бир неча кунки жон таслим қилолмай жуда қийналаяпти. Нима қилишимни билмай сизнинг қошингизга келдим.

Шунда Расули акрам саҳобалардан сурадилар:

— Унинг онаси борми?
— Бор, — деди саҳобалардан бири. — Шу яқин атрофда ёлғиз узи яшайди.

— Бориб, Ал-қаманинг онасини қақриб келинглар, — деди Аллоҳнинг ҳабиби.

Орадан бироз вақт ўтгач, Расулulloҳнинг хузурулига саксон ёшлардаги заиф бир кампир кириб келдида, Расули акрамдан нимага қақиртирганларини суради.

— Эй, она, ўлингиз борми?
— Бор. Ал-қама. Мен ундан хафаман.

— Нега хафасиз?
— Хотинининг гапига киради. Ҳафталаб, ойлаб менинг ҳолимдан хабар олмайди. Тирикмисан она, сийиш-ичишга нимаг бор? — деб сурамайди. Хотинининг айтганини қилиб, менга огир гапларни гапирди.

— Ундан рози эмасмисиз? — сурадилар Расулulloҳ.

— Розиман, фақат қаттиқ хафаман.
— Улгингиз жангда огир яраланибди, улим тушагида ётибди.

— Бундан бешбаттар булсин, — деди кампир йиғлаб.

Шунда Расули акрам саҳобаларига буюрдилар:

— Ал-қамани олиб келиб утга ташланглар.

Кампирнинг ранги оқариб кетди:

— Нега улгимни ёқишди?
— Онасини норози қилган фарзандни ёқиш керак, бошқа илож йўқ. Жазоси шу, — дедилар пайғамбаримиз.

— Йўқ, йўқ. Боламни ёқманглар. Майли, мен унинг гуноҳларини кечирдим. Минг бор розиман. Фақат уни ёқмангиз.

Шунда Расулulloҳи акрам Ал-қаманинг аелига дедилар:

— Энди уйингга бориб, эрингнинг ҳолидан хабар ол.

Хотин югурганича уйига кетди ва анча вақтдан кейин келиб, эрининг осонгина жон таслим қилганлигини айтди.

Ибр

ТОШ

Араб халиф даражасини шаҳар ҳоким берди. Халифдан машғул халифанинг уни суйиб утирди. Ҳокимнинг ҳузурини куради.

— Бу бола Халифа деди:

— Бу гудак менинг болам эмас, бир камбағал одамнинг боласи, ота-онаси вафот қилган. Болани ўз ҳимоямга олдим, ўз болам каби устирялман.

Ҳоким бу сузларни эшитиб, халифанинг меҳрибонлигига, мулоимлигига ҳайрон қолиб деди:

— Менинг унта фарзандим бор. Бошқаларнинг болалари

уеқда турсин, ҳатто ўз болаларимга тишимнинг оқини курсатмайман. Болаларим мени курганда курқиб, зириллаб туришади. Сизнинг бир бегона болага бунчалик меҳрибонлик курсатишингизга ҳайрон қолдим.

Халифа ҳоким буладиган кишининг сузларини эшитиб, эзилаётган ёрлик қозини котибининг қулидан олиб, йиртиб ташлади ва ҳозир булганларга шундай деди:

— Бу одамнинг ҳоким булишини истамайман. Ўз болаларига шу қадар тошбағирлик қилган кишидан халққа қандай фойда етади?!

Бахриддин
ТУРҒУНОВ
тайёрлади

ҚИЕФА Кўнгил ижодхонаси

Бизлар яшар эдик: чексиз тасаввур ва яна эртақлардан ясалган кулба. Бизлар яшар эдик: сен яна кўнгил. Ва долалар гулбаргида чангланган юрак. Топ-тоза... Қувончлар қоронғусида. Сим-сим қарават, беллар ботиб кетган қушиқларига. Уртада нешона қуйилган стол, енида миҳланиб утирган шоир. Стул бум-буш, хаёл бум-буш. Кўнгилдаги қизга хат ёзди. Ҳар оқшом шу, 25 га тулди,

ҳамон хат ёзди. Лекин жавоб олмаган. Шунча. Шоир бахтсиз. Суз йиғлар. Қозлар гижимланар. Нигоҳ узилар. Суврат йиртиллар. Кузлари ухшамас асло. Уй қалтираб нафаси чиқмас. Бу ким булди ажабо, қоронғуда кўнгил ахтарган.


Ҳа, бизлар яшар эдик, отам ва онам ва яна қишлоқ. Бизлар яшар эдик: чутур-чутур болалар билан ва яна кузлари суқир айрилиқ. Пешонамнинг чизиклари айро. «Тентак» — У ҳамон шивирлайди қулоқларимга. Оҳ қанчалар маъносиз болаларнинг учрашувлари. Ушанда ҳам биз яшар эдик. Осмонда оймома ва яна камалакранг орзулар билан. Сен бордек эдинг. Сени кашф этаётган эдим. Энди булса хаёл, бу хаёл. Фақат шу. Ой, осмон, юлдузлар. Умр битта. Кечиккан тақдир. Нуробода сар-сара кўнгил. Қавмига тош отилган азоб. Юрагимга тамга босилган. Ҳайдалган юрт. Чорасиз қолган мен. Ўзгаришда гуллаган чечак. Бу ишонч. Бизлар яшар эдик, сен яна севинч. Ва яна олифта қиёфа. Бизлар яшар эдик, мен яна азоб. Ва яна яраланган ишқ. Сим қоқилар Самарқандга жим. — Уйда ҳеч ким йўқ. Жавоб берар буш қолган хона. Улар далада. Соғинали кўнгиллар шундай, укаларим кулгуларини. Кетмонларни соғинган қўлим эзиб ташлар қаламни аста. Қаттиқ мушт тушади столга устмасу ва яна такрор. Туй булади албатта, фақат яна бир оз сабр қилсанг бас. Ўзбекиона туй. Қирқ кечаю-қирқ кундуз. Муродингга етасан шунда...

Бизлар яшар эдик: мен яна кўнгил. Ва яна яраланган ишқ. Бизлар яшар эдик: ...

Уста Очил ҲАЗРАТ



Абду Ғани ЖУМА олган сурат



«Вага йўл олибдими?»

Сўнги устун

Асримиз бошларида Италия тарихида биринчи марта Энцо Феррари томонидан «Феррари» русумли пойга автомобиллари яратилган эди. «Феррари» пойга жамоаси шу вақтгача турт мингдан ошқ мусобақаларнинг ғолиби бўлган, 93 бор турнирларнинг Гран-пир совринини олган, 13 карра жаҳон чемпиони унвонига мушарраф бўлган. Феррари моторлари дунда энг кучли ҳисобланади.

Чайнаганда қисирлайдиган маккажухори қаламчаларини ҳар қаламда учратиб мумкин. Ваҳоланки, уларни бундан роппа-роса 91 йил олдин Вилгелм Келлорр исмли жаноб уйлаб топган. Уша пайтлар қаламчалар солинган қўтичага «Рухий хаста кишилар учун егулик» деб ёзиб қўйиларкан.

Японияда 2020 йилгача бўлган даврни қамраб олган башоратлар тақвими чоп этилди. Унда ёзилишича, 2004 йилда сунъий қон яратилади, 2006 йилда эса СПИДнинг даъвоси топилади, 2009 йилда кенг куламли сузувчи шаҳарлар курилади бошлайди, 2013 йил саратон касалининг барча турлари даволанадиган бўлади, 2017 йил сунъий мия яратилади, 2019 йилда сунъий кузлар ишлаб чиқарилади. Бу башоратларнинг қанчалик ҳақиқатга мос келиши бизга қоронғу, зотан, Оллоҳ билувчилдир.

Хронобиолог олимларнинг тадқиқотлари курсатишича, болаларнинг аксарият қисми тунги 12 дан саҳарги соат 4 гача бўлган оралиқда туғилар экан. 16дан 17га қадар эса соч, соқол-муйлов ва тирноқлар тезроқ ўсиши аниқланди, терида ҳар турли крем, маз ва бошқа косметик воситалар билан ишлов бериш учун энг қулай вақт 19 дан 20 гача экан.

Хитойнинг жанубий қисмидаги Гуанчжоу шаҳрида илонлар боғи бор. Ана шу боғ директорининг 23 яшар қизи Цин Линин дуноси билан 12 кунни 880 та илон орасида ўтказди. Шуниси борки, илонларнинг 700 га яқини захарли эди.

Словакияда «Виплезол» номли косметик восита ишлаб чиқарила бошлади. У бошдаги сочларнинг тўқилишини... тезлаштиради. «Отам кал, бобом кал, ҳамма кал!» деган шior остида «Каллар уюшмаси»га бирлашган словаклар учун бу ажойиб совга бўлди.

лар ҳаётидан

Нютон ниҳоятда парижонхотир бўлган экан. Олимнинг зобит дўстига ёзган куйидаги қисқачина мактуби ҳам буни тасдиқлайди:

«Бу ерда ҳаммининг оғзида сени икки жангда ғалаба қозониб, учинчисида ҳалок бўлган, деган гап юрибди. Агар шу гап юст бўлса, менга ёзиб юбор. Ўхир сенинг ўлимнинг мени қанчалик изтиробга солишини биласанку!..»

Пикассо бир кишининг сурамини чизиб битирди-да, унга:

— Портретингиз тайёр. Энди унга ўхшашга ҳаракат қилинг!

XVII асрда яшаган таниқли адиб ва драматург Совинен Сирано де Бержерак ўз ҳаёти давомида минг мартадан кўпроқ дуелга чиққан. Ҳаммасининг сабаби битта: рақиблари унинг узун ва бесўнақай бурнини мазах қилиб кулишгани.

Нобел мукофоти таъсис этилгандан бери ўтган 96 йил ичида ана шу нуфузли мукофот билан 634 марта эркаклар тақдирланган. Аёллар орасида эса бу мукофот соҳибалари атиги 28 нафар.

Таниқли француз адиби, комиссар Мегрэ ҳақидаги туржуман асарлар муаллифи Жорж Сименон эсдаликларида ўзи 10 минг аёл билан ёстиқдош бўлганини ёзиб қолдирган.

Немис тилидан Мирзаали АКБАРОВ таржумаси

«РЕВИЗОР»ГА КИРИТАМАН...

романи қай даражада сотилганлигини билиш мақсадида «узундан-узун» мактуб битди. Ноширлар унинг фақат сўроқ белгиларидан иборат «нома»сини олишиб, жуда ҳайратда қолишди. Ёзувчининг феълани билганлар бу унинг одатдаги ҳазилларидан эканлигини пайқашиб, жавоб ёзишга киришдилар. Гюго почтачилардан хат қабул қилиб оларкан, мактуб ноширдан эканлигига унча ишонқирамади. Хатни очиб ўқиган ёзувчи ноширларнинг топқирлигига қойил қолди. Каттагина бир варақда фақат ундов белгиларига бор эди, холос.

Чаплиннинг хатто ўғирлар орасида ҳам мухлислари кўп бўлган экан. У бир кунни уйига қайтаётиб, ён чўнтагидан ажойиб қўл соати топиб олади. Бу кимнинг иши бўлиши мумкин, деб роса ўйла-

сатрларни сизга профессионал кассавур битмоқда. Азбаройи истеъдодингизга бўлган ихлосимдан чўнтагингиздаги соатни сизга совга қилдим».

Бир зобит манманлиги орақасида кўп душман орттирди. Суворов уни ўз хузурига чақиртириб, унинг энг хавфли ва кучли душмани борлигини маълум қилди. Зобит ўз муҳолифларини бирма-бир санай бошлади. Суворов унга жимгина кулоқ солиб ўтирди, сўнгра кутилмаганда унга тилини чиқаришни таклиф қилди. Зобит тилини чиқаргач, Суворов унга деди: «Мана сенинг душ-

итимнинг яқин кунларда кал бўлиб қолишига кўзим етиб турибди...»

Стефансон яратган биринчи паровознинг юриб кетишига кўпчилик ишонмаган экан. Паровоз илк бор синаб кўрилатганда денгиздай қалқиб турган томошабинлар орасидан бир хоним:

— Бу матоҳ юриб бўпти! — деб қичқарибди. Юриб кетгандан сўнг эса яна бақарибди:

— Юргани билан... тўхташини энди... худо билади!..»

Улуғ инглиз олими Исаак



БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Ҳомий:
Ўзбекистон
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент-700000,
Амир ТЕМУР кўчаси,
I-тор кўча, 2-уй

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20,
котибият — 34-86-91,
эълонлар бўлими — 136-56-52.
Даврон БЕК навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўхсатга олиш № 33
Буюртма Г-0535
32665 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Пайшанба кунлари чиқади
Баҳоси эркин нарҳда